Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 28 сентябрь • Чоршанба • № 76 (14237) تركستان ✽ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ МАҚОМИНИ ВА МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мулкчилик шаклларини қайта ўзгартириш жараёнлари чуқурлашаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ходимларининг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари мақоми бўйича тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарига, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларига тенглаштирилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бозор тузилмаларини шакллантириш ишида Давлат мулки қўмитаси органларига ёрдам берсинлар, бу жараённи самарали амалга ошириш учун зарур шароитлар яратсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари В. А. Чжен зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 27 сентябрь

*Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ФИЗИОТЕРАПИЯ ВА САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИГА*

Азиз шифокор дўстлар!

Сизларни институтингиз ташкил топганига 75 йил тўлиши муносабати билан самимий табриклайман.

Ҳаётдаги энг мўътабар неъмат — инсон сиҳат-саломатлигини қўриқлаш, дардманд дилларга малҳам бўлиш, толиққан юракларга мадад беришдек олий шараф сизларга насиб этган.

Сизлар меҳнат қилаётган институт кўп йиллар давомида минглаб ватандошларимиз учун нажот рамзи, ҳақиқий шифо маскани бўлиб келмоқда.

Ишончим комилки, мустақиллигимиз мустаҳкамланаётган ҳозирги масъулиятли даврда жамоангиздаги ҳар бир шифокор ўзининг врачлик қасамёдига ва касб одобига содиқ қолиб, юксак инсоний бурчини фидойилик билан амалга ошириб бораверади.

Сизнинг Ватанга меҳр-муҳаббатингизни, улуғ касбингизни кўз қорачиғидек эъзозлашингизни азиз диёримизнинг порлоқ истиқболини яқинлаштирувчи энг муҳим омиллардан деб ҳисоблайман.

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман. Савобли ишларингизда доимо зафарлар ёр бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 27 сентябрь.

## ХИЁНАТ

Шу йилнинг 26 августида Тошкент вилоятидаги Ғишткўприк божхона пости назоратчилари туркиялик фуқароларнинг учта юк машинасини тўхтатишди. Ҳужжатларда кўрсатилишича, 45 тонна пахта толаси Ленинобод вилоятидан мамлакатимиз ҳудуди орқали Хитойга юборилаётган экан. Аммо машиналар юки ҳужжатларда кўрсатилганидан кўплиги шундоқ кўриниб турарди ва бу ҳол божхоначиларнинг сергаклигини оширди.

Текшириш машиналарга юкланган пахта ҳужжатларда кўрсатилганидай, 45 тонна эмас, балки 58 тоннаю 989 килограмм эканини кўрсатди. Бунинг сабаби толани жўнатишга дахлдор шахслар ва машиналар ҳайдовчиларидан сўралганда, улар каловланиб қолишди. Пировардида ҳужжатларга босилган Ленинобод ва Сирдарё вилоятлари божхона бўлинмаларининг муҳр ва белгилари қалбаки, ҳужжатларни расмийлаштирган кишиларнинг мазкур божхоналарда ишламаслиги, божхона — юк декларацияси Ўратепа божхонасида тўлдирилмагани, пахта толасини жўнатган "Нурбахш" ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси эса Ленинобод вилоятида умуман қайд қилинмагани аниқланди.

Унда Хитойга жўнатилаётган пахта толаси кимники дерсиз? Бегонаники эмас, ўзимизники экан. Маҳсулот Тошкент вилояти Ғалаба туманидаги "Мустақиллик" ҳамда Қашқадарё вилоятидаги "Ульянов", "Қарши", "Яккабоғ" пахта тозалаш заводларида тайёрлангани аниқланди. Деҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган пахта толасини сохта ҳужжатлар билан хорижга сотиб, мўмай даромад топмоқчи бўлганлар ҳам бегона эмас, ён-веримизда ўзини бизнесмен деб юрган нопок кимсалар экан...

Маълумки, Ватанимиз иқтисодий қувватини оширишда пахта толаси муҳим ўрин тутади. Дунё бозорида унга талаб ҳам катта. Бозор муносабатларига ўтишимиз, корхоналарда талай эркинликлар яратиб беришимиз, айниқса, баъзи бир раҳбарларга анчагина "қулайлик" туғдирмоқда. Улар жиноятга қўл уриб бўлса-да, шахсий бойлик орттириш йўлида хизмат вазифасини суиистеъмол этиб, корхоналар, хўжаликлар, умуман, жамият мулкини талон-тарож қилмоқдалар.

Ғалаба туманидаги "Мустақиллик" пахта тозалаш заводининг айрим ходимлари халқ ишончини, қонунларни назар-писанд қилмайдиганлардан чиқиб қолди. Улар мўмай даромад топиш илинжида ўзаро тил бириктириб, 21 тонна пахта толасини ўзлаштиради.

Ўзлаштирилган пахтани "Кучлук" темирйўл станцияси ишчилари орқали Ўрта Чирчиқ туманидаги "Валижон" фирмасига ҳар тоннасини 300 АҚШ долларига пуллашга келишади. Қизиғи шундаки, дунё бозорида бир тонна пахта толасининг нархи 1500 АҚШ долларига тенг бўлган вақтда бу "шоввозлар" унинг ҳар тоннасини бор-йўғи 300 доллардан сотган. Бу миллий бойлигимизни сувтекинга пуллашгина эмас, ёзнинг иссиғи, қишнинг совуғи демай пахта етиштираётган заҳматкаш деҳқонлар, халқимиз, қолаверса, Ватан манфаатларига хиёнатдир. Яхшиямки, божхоначиларимизнинг ҳушёрлиги билан бу жиноят фош этилиб, халқ мулки сақлаб қолинди.

Сохта ҳужжатлар билан хорижга олиб чиқиб кетилаётган пахта ишига дахлдор кишилар шугинами? Йўқ, албатта. Айни пайтда божхоначилар ва прокуратура ходимлари номлари зикр этилган пахта тозалаш заводларини тафтиш қилмоқдалар. Бу жиноятчи гуруҳ қўлига қандай қилиб кўп миқдордаги пахта тушиб қолганига аниқлик киритмоқдалар. Сохта божхона — юк декларациялари, пахта толаси сифатида берилган сертификатлар ва маҳсулот-транспорт ҳужжатларини тўлғазган кишилар ҳам жазога тортилиши муқаррар. Дарвоқе, халқ мулкини туя қилиб, шунинг ортидан бойлик орттириш — бу заҳматкаш халқ юзига оёқ қўйиш билан баробардир. Шундай экан, халқнинг ўзи уларга шафқат ҳам қилмайди.

Шу билан мақолага сўнгги нуқтани қўйишимиз мумкин эди. Бироқ мазкур ишга бир эмас, тўртта пахта тозалаш заводининг дахлдорлиги ҳар қандай одамни сергак торттиради. Гарчи биз, Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва сотиш давлат-акционерлик уюшмасида раҳбарлик, назорат ишлари бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган экан, деган хулосадан йироқ бўлсак-да, уюшма раҳбарияти тўғри хулосалар чиқариб олади, деган умиддамиз. Дарвоқе, халқ мулки халққа хизмат қилиши керак.

**(ЎзА).**

*• XII ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ*

## ХИРОСИМАГА ЖЎНАШ ОЛДИДАН

26 сентябрда республика Вазирлар Маҳкамасида Хиросимада бўладиган XII Осиё ўйинларига жўнаб кетаётган Ўзбекистон спортчилари делегацияси билан учрашув бўлди.

Бош вазир А. Муталов сафар арафасида спортчилар, мураббийлар, мутахассислар ва федерациялар раҳбарларини қабул қилиб, уларга оқ йўл тилади. У ёш мустақил давлатимиз вакиллари Осиё қитъасидаги бу йирик спорт мусобақасида биринчи марта иштирок этаётганини алоҳида таъкидлади.

Терма командамиз кўп миллатлидир. Унинг сафида жиддий саралашдан ўтган, кўпгина халқаро мусобақаларда юксак маҳоратини намойиш этган 123 нафар энг кучли спортчи бор. Хиросимада ўзбекистонликлар спортнинг 23 тури бўйича иштирок этади. Боксчиларимиз, полвонларимиз, эшкак эшувчиларимиз, гимнастикачиларимиз, мерганларимиз, штангачиларимиз мусобақаларда муваффақиятга эришишига катта умид боғламоқда.

Республикамиз вакиллари олис Японияда Ўзбекистоннинг давлат байроғи кўпроқ ҳилпираб, давлат мадҳиямиз тез-тез янграши учун қўлларидан келган барча ишни қилади, деб ишонамиз, — деди Бош вазир. У Осиё ўйинлари қатнашчиларига Президентимиз Ислом Каримовнинг энг яхши тилакларини етказди, уларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Япониядаги мусобақаларда катта муваффақиятлар тилади.

Спорт анжумани қатнашчилари номидан Миллий олимпиада қўмитаси президенти, Ўзбекистон Республикаси давлат спорт қўмитаси раиси С. Рўзиев, спорт усталари Р. Эргашев, И. Исоқова, республикада хизмат кўрсатган мураббийлар А. Дин, Ш. Капкаев сўзга чиқиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш хусусида қилаётган ғамхўрликлари учун республикамиз Президенти ва ҳукуматига миннатдорлик билдирдилар, Хиросимадаги Осиё ўйинларида мамлакатимиз спорт байроғини баланд кўтарамиз, деб ишонтирдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов иштирок этди.

**(ЎзА мухбири)**

## АЛЛОМА ТЎЙИГА ТАЙЁРГАРЛИК

27 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Йиғилишда тегишли вазирликлар, ташкилотлар раҳбарлари, айрим вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, олимлар, адиблар ва маданият ходимлари қатнашди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент, Самарқанд шаҳарларида мазкур санани нишонлаш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг бориши муҳокама этилди.

Юбилей муносабати билан буюк мунажжимга бағишланган асарлар чоп этиш, илмий конференциялар ўтказиш, ёдгорлик совғалари тайёрлаш ишлари қизғин бораётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда Мирзо Улуғбек ҳафталигини ўтказишга тайёргарлик ишлари ва амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгиланди.

Йиғилишда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосарлари С. Саидқосимов, Ў. Султонов иштирок этди.

**(ЎзА).**

***КЎПЛАРНИНГ БАХТИГА ЎЗЛИКНИ ЖАМЛАБ***
***ШУ УЛУҒ БИНОГА БИР ҒИШТ ҚЎЙСАК, БАС!..***

**Ҳа, шуҳрат қолдирмоқ учун Диана маъбадин ёқиш шарт эмас. Юрт ишига камарбаста бўлиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш хайрли ва савоб ишдир. Шундай инсонлар қўяётган ҳар бир ғишт истиқлол биносининг муҳташамлигини шубҳасиз таъмин этади.**

*МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН*

## АБАДИЯТ ЮЛДУЗИ

Мустақил мамлакатимиз ҳаётида маънавиятимизни янада юксалтириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётирки, бу эзгу саъй-



ҳаракатлар ҳадемай ўзининг ижобий самараларини кўрсатишига шак-шубҳа йўқ. Маълумки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фармонига биноан 1994 йил Мирзо Улуғбек йили деб эълон этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Бу буюк аллома ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек сиймосига нисбатан катта эҳтиромдан далолат. Булардан ташқари, ЮНЕСКО қарорига кўра фалакиёт илмининг султони таваллуди халқаро миқёсда кенг нишонланади. Бу халқимиз шону шавкатини, миллатимиз нуфузини дунё узра юксалтирган буюк аждодларимиздан бири, астрономия, математика, тарихшунослик, тиббиёт, мусиқа соҳаларида ижод этган, қирқ йил давомида Мовароуннаҳр салтанати тепасида турган Улуғбек даҳосининг жаҳон илмий, маданий ҳамжамияти томонидан яна бир бор эътироф этилганидан шаҳодат.

**(Давоми 2 - бетда.)**

*УЙҒОҚ СЎЗ*

***ЗУЛФИЯ,***
*Ўзбекистон халқ шоири*

## ОНА СУТИ КАБИ БЕНАЗИР ҒУРУР

Аждодларимизнинг асрий орзуси мустақиллик нури қалбларимизни чароғон эта



бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа фурсат мамлакатимиз учун оламшумул воқеаларга бой бўлди. Тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилажак, қадриятларимизни тиклайдиган, ўзлигимизни англатадиган, буюк халқ эканлигимизни эътироф этадиган кўплаб ажойиб фармонлар, қарорлар қабул қилинди. Жумладан, халқимизнинг бир қатор асл фарзандлари хизматини тақдирлаш тўғрисидаги фармон ҳам шулар сирасига киради.

Яқиндагина истиқлолимизнинг уч йиллигини жуда катта байрам қилдик. Унинг юракдаги ҳаяжонлари, тўлқинлари тинмай туриб яна бир қувончли воқеанинг шоҳидимиз. Бу мустақил давлатимизнинг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони, Олтин Юлдуз олий нишонининг топширилиши воқеасидир. Кўплар қатори шу юртнинг бир фарзанди, шоираси сифатида мен ҳам шу тантанали маросимда иштирок этганлигимдан мамнунман.

Мен ўзимнинг узун умримда унвонлар, мукофотлар билан хизматимдан зиёд сийланганман. Лекин менга берилган бугунги "Дўстлик" нишони нур устига аъло нур бўлди. Бу мукофотнинг алоҳида қиймати, ардоқли мавқеи бор. Чунки бу нишон халқнинг меҳру-ишончига йўғрилиб, Она замин тиллосидан сайқал топган. Ишонаманки, мустақил Ўзбекистонимизда таъсис этилган нишонлар келажак авлодларни ҳам ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, кўксини безайди, она юртимизнинг она сутидек беназир ғурури бўлиб, аждодлардан мерос сифатида яшайверади. Мана шу ғурур, мана шу ифтихор учун она халқимга, ҳурматли Президентимизга ташаккур изҳор этаман.

Узоқ ўтмишдан то ҳозиргача назар ташласак, жамиятда қандай тузум бўлишига қарамай, қадим тупроғимизда узлуксиз шеърият жилғалари, дарёлари оқиб турган. Шу сабабдандир, дўстларимиз ўртасида ўзбек халқининг юрагини шеърият шакллантирган, деган ажойиб бир ташбеҳ юради. Бу жуда топиб айтилган афоризмдир. Бу таъриф остида чуқур маъно ётади. Чунки маънавиятимиз, маданиятимиз илдизлари жуда қадим замонларга бориб туташган. Шу буюк халқнинг дилига шеър билан кирмоқ ижод аҳли учун катта саодатдир.

**Суратда: ардоқли шоирамиз Зулфия жаҳонга таниқли қардош адиб Чингиз Айтматов билан.**

### ХАЛҚИМГА АЙТАР СЎЗЛАРИМ

**Ўзинг ташна этдинг, ўзинг сув тутдинг,**
**Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим.**
**Сени сева-сева мен бойиб кетдим,**
**Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!**
**Юрак чақмоқ теккан осмон юзидай,**
**Лекин эътиқодим, иймоним бутун.**
**Умримда қилғаним озми — кўпимдан**
**Меҳринг дарёсидан серобман букун.**
**Менга Навоийдан айтдинг алла деб,**
**Лутфийдан онгимга зиё таратдинг.**
**Қийналган оламга бўлсин далда деб,**
**Асли ўзинг мени шоир яратдинг.**
**Ёш шуур, курашчан туйғулар билан**
**Сенинг тақдирингга маҳкам туташдим.**
**Не-не ғанимлар-ла курашганинг он,**
**Кўпнинг бири бўлиб малҳамга шошдим.**
**Сарғайган чўлларга бердинг яшил қон,**
**Тупроқ тепаларда шаҳар кўтардинг.**
**Ҳар бир ғалабангни кўрган суюк он,**
**Дилдаги ўз ғамим қуйи чўкарди.**
**Пахта хирмонининг ўсди бўйлари,**
**Таниди, тан олди яқину йироқ.**
**Ғурурдан денгиздай тўлиб қуйиладим,**
**Толелар тиладим бундан ёрқинроқ.**
**Мактублар ёздинг сен, мактублар битдим,**
**Гоҳ кўзга нам қалқиб, гоҳида хушбахт,**
**Шеър билан, сўз билан қалбингга етдим,**
**Ўша қалб мен учун энг шарафли тахт.**
**Ҳали бор олдинда ўтмаган бурчим,**
**Ўтайман кўзимда тирик турса нур.**
**Умримдаги барча фасллар учун,**
**Ўзига Бек халқим, сенга ташаккур...**

*Бугунги устивор ақидамизда собит бўлайлик, яъни — жамиятимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликни янада мустаҳкамлайлик!*

*Ислом* ***КАРИМОВ***

*Янгича анъаналар*

## ҚЎША ҚАРИНГЛАР!

*Инсон умрининг ҳеч қачон ёдидан ўчмайдиган энг гўзал, энг бахтиёр дамлари бўлади. Бу бахтиёрликдан бошқаларнинг ҳам боши осмонга етади, бу шодлик, бу севинчлар бошқаларга ҳам юқади. Бахт оқшоми худди ана шундай дамлардан бири.*

*Хатирчида бир йўла йигирма келин-куёвнинг, яъни қирқ нафар йигит-қизнинг Бахт кечаси тантанали ўтказилди.*

### ЙИГИРМА ЖУФТ ЯНГИ ОИЛА

Ўша куни Хатирчи туманида ҳақиқий байрам бўлди. Бунақа тантана Хатирчидагина эмас, ҳатто вилоятимизда ҳам бўлмаган эди. Бир йўла йигирма келин-куёвнинг никоҳдан тантанали ўтиши, битта жойда Бахт кечасининг ўтказилиши ҳақиқатан ҳам янгилик. Айниқса, ҳозирги мураккаб шароитда бундай тадбирни ўтказишнинг ўзи таҳсинга лойиқ.

Турнақатор машиналарда йигирма жуфт бахтиёр келин-куёв ўтган кўчаларда нафақат ёшларнинг, балки кексаларнинг ҳам ҳаваси келгани рост.

Тантана ҳақида ҳикоя қилишдан олдин бу катта тўйнинг ташаббускори, жонкуярлари билан таништирайлик.

Хатирчида ташаббускор, уддабурон бир йигит бор. Ўктам Примов деган ана шу йигит тумандаги ёшларнинг сардори, ҳамкори. Бу ташаббус ҳам худди шу йигитдан чиққан.

Туман ҳокими Т. Маманов ёшларнинг ҳар бир қадамини кузатиб, уларнинг ҳар бир ташаббус-таклифларини қўллайдиган ажойиб инсон. Ёшлар сардорининг бу таклифи ҳам ерда қолмади. Ҳоким қўшалоқ-қўшалоқ тўйларга розилик берди.

— Тумандаги 17 та хўжаликдан биттадан, туман марказидан 2 жуфт, Лангар кон бошқармасидан бир жуфт келин-куёвни таклиф этдик, — дейди Ўктам Примов. — Оила йили муносабати билан ёшларнинг ёдида қоладиган шундай тадбир ўтказишга аҳд қилдик. Ҳокимимизнинг шахсан ўзлари, ташкилотлар, корхоналар, хўжаликлар ёрдамини аямади. К.



Раҳматов номли, Пўлкан шоир номли, Амир Темур номли, "Олтинсой" жамоа хўжаликлари, туман ва шаҳар савдо идоралари, фермер (деҳқон) хўжаликлари бирлашмаси, "Зебо" кичик корхонаси, туман маданият бўлимларининг беминнат ёрдамларини, хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

### ТАНТАНАЛИ НИКОҲ ВА ҲОКИМ ҚАБУЛИ

Карнай-сурнай садолари остида тантанали никоҳдан ўтган ёшлар Толиб-Муқаддас, Учқун-Гулзода, Маҳмуд-Малоҳат, Дилмурод-Нилуфар, Тўлқин-Фотима, Насиба-Улуғбек, Собир-Ҳулкар, Шуҳрат-Ўғилой, Бобур-Матлуба, Камолжон-Муқаддас, Комил-Гавҳар, Рустам-Дилрабо, Истам-Маҳфуза, Сирожиддин-Ойбаҳор, Диёр-Башорат, Тўлқин-Хуршида, Ўткир-Роҳила, Анвар-Нилуфарларни туман ҳокими Т. Маманов, туман фахрийлари кенгаши раисц Эшназар Асқаров, уруш фахрийлари Умар Тошев, Акрам Даминов, Тамара Колчина, меҳнат фахрийси Адолат Санақуловалар иштирокида қабул қилди. Ёшларнинг ҳаётларидаги ана шу қутлуғ кун билан муборакбод этди. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг котиби Боймурод Юсупов ёшларни қутлади.

Яна карнай-сурнай садолари ёш келин-куёвларни кузатиб қолди.

### БАХТ ГУЛЛАРИ — БАХТИМИЗ УЧУН КУРАШГАНЛАРГА

Бизда жуда яхши одат бор. Энг яхши кунимизда ўтганлар хотирасини албатта ёд этиш қарз. Қабрларга, ёдгорликлар пойига гуллар қўйишимиз ана шундан.

Бутун Хатирчини ҳайратда қолдирган йигирма келин-куёв ҳам ўша тўй куни туман марказидаги ёдгорликлар пойига гуллар қўйишди. Мангу олов ёнида бахтимиз учун курашганлар хотирасига таъзим қилишди.

Туман меҳнат ва уруш фахрийлари кенгашининг раиси Эшназар ота Асқаров ёшларга бахт, омад, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида кучли ирода тилади.

### БОҒДАГИ ГЎЗАЛ КЕЧА

Туманнинг Амир Темур номли жамоа хўжалиги боғида йигирма жуфт келин-куёв шарафига дастурхон ёзилди. Кечага жамоа хўжаликлари, ташкилот ва корхона раҳбарлари, азиз меҳмонлар таклиф этилди. Тўрда нуроний отахон.

Бахт кечасини туман ҳокими Т. Маманов очди. Кейин вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Фахриддинов ёш келин-куёвларни табриклади.

### БАХТ ТИЛАЙЛИК

Боғни бахт ва муҳаббат қўшиқларига тўлдирган кечада қўшни вилоят, туманлардан ташриф буюрган меҳмонлар уларга бахт тилашди, ўзларининг совғаларини топширишди. Шунингдек, туман ҳокими Т. Маманов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий вилоят қўмитаси котиби Улуғбек Мусаевлар келин-куёвларга эсдалик совғаларини топширдилар.

Табриклар, тилаклар, истаклар беҳисоб бўлди. Ибн Сино номли жамоа хўжалигининг "Чиннигул", Ш. Рашидов номли жамоа хўжалигидаги "Наврўз" этнографик фольклор ансамбллари аъзолари барчани хушнуд этди. Ҳамма келин-куёвларга оппоқ бахт тилади, беғубор ният қилди. Нуроний отахонлар оқ фотиҳа бердилар. Биз ҳам бахтиёрларга бахт тилайлик.

**М. ҲОСИЛОВА,**
**"Туркистон"нинг мухбири.**

**ОБУНА БОШЛАНДИ**

**Азиз муштарий, барча нашрлар қатори севимли рўзномангиз "Туркистон"га ҳам 1995 йил учун обуна бошланди. Газетамизнинг бир ойлик обуна баҳоси: 22 сўм.**

**Уч ойга: 66 сўм.**
**Олти ойга: 132 сўм.**
**Бир йилга: 264 сўм қилиб белгиланган.**

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**



# ЎЗБЕКИСТОН-ВАТАНИМ МАНИМ!

ОНА ЮРТ жамоли... Унинг нақадар мафтункорлиги фақат шу замин фарзандларигагина аён. Ҳар биримиз ушбу муборак кунларимиз нафасидан баҳраманд эканмиз, она юрт сарҳадларининг жамолига маҳлиё боқамиз. Унга ҳамнафас, элим деб, юртим деб ёниб яшаш кераклигини ҳис қилиб нафас оламиз. Шоирларимиз Ўзбекистонимиз ҳақида оташин шеърлар битишган. Ушбу суратларга назар ташлар экансиз, беихтиёр хаёлингизга ушбу сатрлар келади:

*... Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,*

*Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар...*





## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ТОҒЛИ Қорабоғ муаммоси бўйича халқаро конференцияси раиси Ян Элиассон Эрон ҳукуматининг Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолади. Айни пайтда у Эрон ҳукуматини Тоғли Қорабоғ можаросини ҳал этишда БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгаши ҳамда Росссия Федерацияси билан ҳамкорлик қилишга чақирди.

* * *

АМЕРИКА Қўшма Штатлари маъмурияти Япония билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳудудий муаммолар қонуний ва ҳаққоний йўл билан ҳал этилиши тарафдоридир, деди Президент Билл Клинтон Япония Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Иохэ Коно билан бўлган суҳбатида. Шунингдек, у Россия Федерацияси президенти Борис Ельцин билан бўладиган учрашувда ҳам бу муаммога тўхталишини айтди.

* * *

ҲИНДИСТОННИНГ Гужарот штатидаги Сурат шаҳрида вабо касали тарқалди. Икки кун ичида 24 нафар киши вабонинг қурбони бўлди. Норасмий маълумотларга кўра, жами 60 киши ҳалок бўлган, ана шу дардга чалинган юздан ортиқ бемор шифохонага ётқизилган, деб хабар беради РАТА-ТАСС мухбирлари. Шаҳардаги барча жамоат масканлари ва ўқув юртлари ёпилган.

* * *

АФРИКА қитъасида аҳолининг кўпайиб бориши ва озиқ-овқатнинг етишмаслиги минтақа давлатларини ташвишга солмоқда. Яқинда Жанубий Африка тараққиёт жамиятига аъзо бўлган давлатлар 30 миллион АҚШ доллари миқдорида озиқ-овқат жамғармаси ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилдилар. Маблағ озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги сезилган минтақа мамлакатларига ёрдам бериш учун сарфланади.

* * *

ҚИРҒИЗИСТОН Республикаси мусодара қилинган гиёванд моддаларни қайта ишлаб, улардан дори-дармон тайёрлашга қарор қилди. Қирғизистон ҳукумати бунинг учун МДҲнинг гиёванд моддалар устидан назорат ўрнатиш бўйича доимий қўмитасидан рухсат олди.

* * *

РОССИЯ Федерациясининг Приморье ўлкасида кучли ёғингарчилик натижасида талафотли тошқин юз берди. Охирги маълумотларга кўра, беш киши ҳалоқ бўлган, 15 киши дараксиз кетган. Шунингдек, Лавзов туманида қидирув ишлари олиб бораётган геологлар ҳануз топилмади. Ҳозир бу райондаги уйлар томигача сув остида қолган.

* * *

ИТАЛИЯНИНГ шимолий шаҳарларидан бирида яшовчи Жафранко Мерлини исмли йигит содир этган ўғирликни "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритиш мумкин. У бир кечада шаҳардаги кўпгина канализация қудуқларининг зилдек оғир чўян қопқоқларини кичик юк машинасида йиғиштириб олишга улгурган. Юкнинг оғирлиги 1,5 тонна бўлган. Жанфранко қопқоқларни қўшни шаҳардаги темир-терсак қабул қилиш дўконига сотаётган пайтда қўлга тушган.

**(ЎзА).**

## ҚАНОТЛИ ХАБАРЛАР

### УЗОҚНИНГ БУҒДОЙИДАН...

Яқиннинг сомони яхши дейдилар. Рост гап экан. Қувасойдаги чинни буюмлар корхонаси Украинадан жуда катта миқдорда хом ашё келтириб ишлатарди. Украин биродарларимизнинг арзимаган хом ашёни мислсиз қиммат баҳолаётганликлари, бу ёғда йўлнинг олислигию темир йўлдаги найранглар чиннисозларга анчагина қимматга тушадиганга ўхшаб қолди.

Корхона раҳбарлари ва ишбилармонлар Украинадан келтирилаётган хом ашёдан тамомила воз кечамиз дейишди. Акс ҳолда, жамоа оғир иқтисодий бўҳронга рўбарў келиши муқаррар эди. Қувасой чиннисозлари ёш қўшнимиз қозоқ биродарларимизга мурожаат этишди. Ўта ноёб ҳисобланган фосфорнинг асосий таркиби айни кунларда Қозоғистондан бартер асосида келтириляпти. Тўхтаб қолиш хавфи бўлган ишлаб чиқариш цехлари ҳам, икки ярим минг кишилик корхона ҳам бугун бир маромда ишлаб турибди. Шуни айтишса керакда, излаган имконият топади деб. Энг асосийси ҳаражатлар ҳам анчага камайди.

### РЕЖА БАЖАРИЛАДИ

Фарғоналиклар азалдан пахтанинг миришкорлари. Бу йил вилоятда пахта йили бўлди очиғи. Терим мавсуми ўтган йилдагига қараганда роппа-роса йигирма беш кун илгари, оммавий суратда бошланиб кетди. Илғор хўжаликларда машина терими ҳам авж олдириляпти. Йиллик режаларини бажарган оилавий звенолар ва бригадалар сони ҳам кундан-кунга ортиб бораяпти. Айни кунларда вилоят бўйича ўртача юз минг нафардан зиёд теримчи белига этак боғлаб, пахта терояпти.

"Қайрағоч" жамоа хўжалиги-нафақат Риштонда, балки вилоятдаги энг илғор хўжаликлардан саналади. Ҳозир хўжалик далаларида еттита терим машинаси юқори унум билан ишлаяпти. Механизаторларнинг ғайрати билан бу ерда кунлик ўсиш 5,5-7 фоизни ташкил этяпти. Қайрағочликлар 1454 тонналик хирмонни 1 октябрга қадар бутлаш тараддуди билан меҳнат қилишмоқда.

**Рустам БОЙ МУҲАММАД.**
**«Туркистон» мухбири.**

### БИЛДИРИШ

**Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси "Камалак" нашриёт-матбаа бирлашмаси қайта тузилиши муносабати билан барча даъволар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.**

● *МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН*

# АБАДИЯТ ЮЛДУЗИ

(Боши 1 -бетда.)

Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишлаб Истанбул, Париж ва албатта, Ўзбекистонда катта тантаналар бўлади. Жумҳуриятимизда ушбу муҳим тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Жумладан, Тошкент шаҳри, Бухоро, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда юбилейга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Айниқса, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Маълумки, асосий тўй-тантаналар Улуғбек бобомиз қирқ йил ҳукмронлик қилган шу азим шаҳарда ўтади.

## УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ

Гўзаллиги билан бетакрор Регистон мажмуида юбилейга тайёргарлик юзасидан маҳаллий усталар бажараётган ишлар хусусида ҳикоя қилишдан аввал улуғ бобомизнинг табаррук номлари билан аталувчи мадраса ва у жойлашган майдон тарихи ҳақида икки оғиз сўз. Мазкур мадраса Мирзо Улуғбек фармони билан уч йил ичида қурилган. Қурилиш ишлари 1417 йилда бошланиб, 1420 йилда ниҳоясига етказилган. Мадрасанинг кириш пештоқида беш, олти, саккиз ҳамда ўн икки қиррали юлдузлар тасвири бор. Буни Улуғбекнинг астрономия академияси деса бўлади. Чунки ўша даврда шу мадрасада кўплаб илму толиблар таҳсил олган.

Мадраса қурилганидан сўнг икки юз йил ўтгач, Самарқанд ҳокими Ялангтўш фармони билан майдоннинг ўнг томонида иккинчи мадраса барпо этилиб, кейинчалик бу иншоотга Шердор номи берилган. Унинг пештоқида шерлар тасвири мавжуд. Бу иншоот ўн етти йил мобайнида бунёд этилган — қурилиш 1619 йилда бошланиб, 1636 йил ниҳоясига етказилган. Уни Абдужаббор исмли меъмор қургани пештоқ пастроғидаги арабча ёзувда зикр этилган. Уста Абдужаббор мадрасасини лойиҳасиз, рўпарада савлат тўкиб турган маҳобатли Улуғбек мадрасасидан нусха олиб бунёд этган. Улар "Қош мадрасалар" деб аталган. Улуғбек ва Шердор мадрасалари бир хил ўқда қурилган, нақшлар жилоси ҳам бир-бирига ўхшаш. Фарқи шундаки, Улуғбек мадрасаси пештоқида юлдузлар, Шердорда эса шерлар тасвирини кўрасиз. Шердорнинг ўнг ва чап томонида иккита қиррадор гумбаз бор. Худди шундай гумбазлар XV аср бошларида Улуғбек мадрасасида ҳам бўлган. Бироқ улар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Шердор қад ростлаганидан ўн йил ўтганидан сўнг яна ҳоким Ялангтўш фармонига кўра Регистон майдонининг марказий қисмида 14 йил мобайнида Тиллакори мадрасаси ҳамда мачити қурилган. Бу ҳар иккала иншоот қурилиши 1646 йилда бошланиб, 1660 йилда охирига етказилган.

Улуғбек мадрасаси ҳовлиси қурувчилар билан гавжум. Ким электр ускуна ёрдамида мармар кесмоқда, кимлар даста-даста кошин ташийди. Кимлар қўлида белкурак, кимдир қоришма тайёрлайди...

Не-не замонлар синовидан ўтиб, бизгача етиб келган, бебаҳо хазиналиги билан жумлаи жаҳон эътиборини ўзига тортган, тортаётган бу обидалар кўзимизга тўтиё бўлаётгани ҳаммани қувонтириши шубҳасиз.

— Мадрасани таъмирлаш ишлари мустақиллик шарофати билан жадаллашиб кетдики, бундан беҳад хурсандмиз, — дейди Улуғбек мадрасасини таъмирлаш бўйича мутасаддилардан бири Давлат Ҳакимов. — Худди шу ерда деярли ҳар куни кечқурун қурувчи, таъмирчи ва иш бошқарувчилар иштирокида йиғилиш ўтказилади. Уни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов бошқаради.

Мадраса иккинчи қавати қурилиши ниҳоясига етказилиб, энди кошинкорлик юмушлари бошлаб юборилди. Бу мадрасада шу кунга қадар бажарилган энг катта ишлардан бири. Айтишларича, XVIII асрда рўй берган зилзила натижасида мадрасанинг иккинчи қавати қулаб кетган экан. Қурувчи ва усталар мадраса биринчи қаватидаги ҳамма кошинкорлик ишларини тамомлаб, хонақо ҳамда иккита дарсхонадаги ганчкорлик, муқарнас юмушларини юбилейга қадар ниҳоясига етказиш ниятида меҳнат қилмоқда. Мадрасанинг кириш қисми, яъни майдонга қараган тарафидаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари битди. Бу ўринда 20 йилдан бери кошинкорлик ва таъмирчилик қилиб келаётган, Шоҳи Зинда, Регистон ансамбллари, Ҳазрати Хизр мачити, Тошкентдаги Абулқосим мадрасасини тиклашда фаол иштирок этган қўлигул уста Мирумар Асадов номини алоҳида таъкидлаш керак. У нафақага чиққан бўлишига қарамай, ўз фарзанд ва жиянлари билан астойдил, худди заргарлар сингари ишлади. Айни кунларда улар мармар ўймакорлиги билан машғул. Бундан ташқари Мирҳаким Асадов, Пўлат Рустамов, Фазлиддин Камолов, Ёқуб Тоҳиров, Абдуворис Фаттоҳов, Амриддин Нажмиев, Раҳим Ўлмасов, Мирҳабиб Аброров, Насрулло Соҳибназаров, Миркамол Асадов, Толиб Ҳакимов сингари кўплаб усталарнинг фидокорлиги таҳсинга лойиқдир.

Ҳозир Улуғбек мадрасасида 250 киши меҳнат қилмоқда. Мадрасада беш йиллик иш икки йилдаёқ бажарилгани мутлақо тасодиф эмас. Режани 150 фоиз ва ундан ошириб бажарганларга икки баравар миқдорда ҳақ тўланмоқда. Ўртача ойлик 1,5 минг сўмга тўғри келаётир. Қурувчи ва усталарни мадрасага олиб келиш ва уйларига элтиб қўйиш учун махсус автобуслар ажратилган.

Улуғбек мадрасасини таъмирлашга ўтган йили Қўқон ва Бухородан ганчкорлар, Хоразмдан ғиштқорлар келиб, савобли ишга ўз ҳиссаларини қўшдилар. Лекин асосий юмушлар барибир маҳаллий усталар томонидан амалга оширилмоқда. Шу ўринда яна бир сермашаққат иш ҳақида тўхталмоқ жоиз. Қурувчилар бутун мадраса ҳовлиси саҳнини қарийб бир метр ковлаб иншоот қурилган вақтдаги фаршини, яъни пол плитаси намуналарини, ҳовли ўртасидаги қудуқни топдилар. 3,5 метр чуқурликдаги қудуқ тозаланди. Мадрасанинг икки дарсхонаси ва хонақода маҳаллий бунёдкорлардан ташқари Тошкентдан келган "Интерқурилиш" ишчилари ҳам меҳнат қилмоқда. Улар бажараётган ишларни кўриб ҳайратланмай илож йўқ.

## УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИ

Улуғ мутафаккир бобомиз XV аср биринчи ярмида жаҳонда мавжуд обсерваторияларнинг энг йириги ва нодири — Улуғбек расадхонасини яратган эди.

Расадхона пойдевори рус олими В. Вяткин томонидан 1908 йилда топилган. Ундан кейин 1941 йил арафасида эр-хотин Сухаревлар, 1948 йилда Шишкин, 1963 йил Яҳё Ғуломов Улуғбек расадхонаси пойдеворида тадқиқот ишлари ўтказган. Бу ишлар икки йўналишдан — археологик тадқиқотлар ва астрономик изланишлардан иборат эди. Лекин астрономик изланишлар ўлда-жўлда бажарилган, десак марҳум олимлар хизматини камситган бўлмаймиз, чунки давр шуни тақоза этган. Улуғбек кўрсатган координатнинг, яъни у яратган астрономик асбобнинг аниқ, ҳозирги ҳисоблар бўйича қайси координат, қайси градусда ётганини маълум қилишни уларга тегишли ташкилотлар рухсат бермаган. Археологик тадқиқотлар ўтказган олимлар фақат талабаларни шу илмга йўналтиришга хизмат қиладиган жиҳатларига эътибор берган, холос. Вяткин очган расадхона биноси харобаси эса янада нураб бораверган. Оддий мисол: расадхона очилган пайтда бино сатҳи ҳозиргисидан кўра 67 сантиметр юқорироқда, пойдеворларнинг ўртача баландлиги эса 1 метру 40 сантиметр бўлган.

Улуғбек расадхонаси ва аллома яратган академия ҳақида таърифлар кўп. Ана шулардан бири Абу Тоҳир Хўжа қаламига мансуб:

"Мадраса асосланганидан тўрт йил ўтгач, Мирзо Улуғбек Қозизода Румий, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Мўйиддин Коший билан кенгашиб, Обираҳмат ариғининг қирғоғидаги Кўҳак этагида расадхона биносини тиклаб, унинг теварагига баланд-баланд ҳужралар қурдиради, расадхона жойлашган тепаликнинг этагини эса ажойиб боғ қилиб, вақтининг кўпини шу ерда ўтказа бошлайди".

Кундузги қуёш, тундаги ой, ақл денгизи, ҳақиқат йўлини кўрсатувчи бобомиз қурган расадхона ҳадемай юбилей тантаналари қатнашчиларини кутиб олишга тайёр бўлади. Расадхона мажмуи иккинчи қаватидаги юмушлар ниҳоясига етказилди.

— Шошма-шошарлик қилганимизда, хўжакўрсинга иш тутганимизда расадхонани таъмирлашни бундан беш-олти ой олдин ҳам тамомлашимиз мумкин эди, — деди биз билан суҳбатда Улуғбек расадхонаси мажмуи директори Нодир Акромов.— Бироқ ундай қилмадик. Чунки "шундай бир иш қилайликки, аждодимиз Мирзо Улуғбекнинг тўйига муносиб музей кўргазмаси яратайлик" деган фикр каттаю кичик, вилоят ва шаҳар раҳбаридан то оддий музей ходими кўнглида ҳукмрон эди. Қайта-қайта муҳокамалардан сўнг бўлажак музейнинг тузилиши ва мундарижасига 5-6 марта тузатиш киритдик. Чунки ташкил этилажак музей ёдгорлик музейи бўлиб қолиши керак-да. Бу, албатта, осон кечмайди. Чунки Улуғбек бобомиздан шахсий буюмлар қолмаган, у зот қаламига мансуб китобу қўлёзмаларнинг жуда оз қисмигина бизгача етиб келган. Шу боис ўрта йўлни танладик: музейни дастлаб Улуғбекнинг бобоси соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳикоя қилувчи асори-атиқалар билан жиҳозлашга қарор қилдик. Чунки Темур ва Темурийлар даври тарихи халқимиз тарихида ҳали етарли даражада ўрганилмаган саҳифадир. Ёдгорлик музейи ташкил этишдан асосий мақсад иккита: биринчидан, албатта, улуғ аждодимиз Улуғбек таваллуд топган кунга муносиб совға ҳозирлаш. Иккинчидан, Темур тузган давлат ҳамда унинг тузилишига сабаб бўлган ички ва ташқи сабабларни қисқа, лўнда қилиб кўрсатиш асносида Темурийлар инсониятга нима бергани, улар маданият, илм, санъат ва давлатчилик соҳасида ўзларидан қандай мерос қолдиргани ҳақида одамларга ихчам, бироқ кенг қамровли маълумотлар тақдим этиш. Ҳозир шу мақсадда нодир ҳужжатлар нусхалари тайёрланмоқда. Англиядаги Бодлеан кутубхонасида сақланаётган Улуғбекнинг тахтда ўтирган ҳолати тасвирланган миниатюра орқали унинг подшоликка тайинланишини ҳам кўрсатамиз. Музейда Улуғбекнинг олим бўлиб шаклланиши ҳақида ҳикоя қилувчи саҳифалар ташкил этишни режалаштирганмиз.

Шундан сўнг музейимиз "Зижи Кўрагоний" муаллифи яратган астрономия мактабининг барпо этилиши ва бу мактабнинг жаҳон фалакиёт илмида тутган ўрни билан боғлиқ мазмунан теран, пухта, ишончли ҳужжатлар ва бошқа ашёлар билан бойитилади. Бундан ташқари Улуғбек замонидаги архитектура, маданий ҳаёт, тасвирий санъат, китобатчилик санъати, сўнгра унинг шахсий ҳаёти тўғрисида маълумот берадиган материаллар қўйилади.

Самарқандда Улуғбекнинг 600 йиллик тўйига тайёргарликнинг бориши юқоридаги уч табаррук қадамжода амалга оширилаётган ишлардан ҳам кўриниб турибди. Бундан ташқари шаҳарда яна 10 та худди шундай юбилей иншооти мавжуд. Улуғбек кўчасидаги универсам магазини, "Рудакий майдони", "Мискарлар растаси" мажмуалари, Навоий музейи, Регистон кўчасидаги ер ости йўли, Улуғбек номидаги истироҳат боғи шулар жумласидан.

— Улуғбек мадрасасида бошланган қурилиш-таъмирлаш ишларимизни бундан бир ярим йил бурун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов келиб кўрган эдилар,— деди Самарқанд вилояти ҳокими, юбилей тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш республика ташкилот комитети раисининг ўринбосари П. Абдураҳмонов.— Ўшанда Президентимиз мадрасада қилинаётган ишлар билан танишгач: "Улуғбек юбилейини шундай қилиб ўтказайликки, бу, биринчи навбатда оламшумул воқеа бўлсин, юбилейни нафақат Самарқанд ва нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё нишонласин", деб айтган эдилар. Мана шундай бўляпти — ҳадемай улуғ аждодимиз таваллуди дунё миқёсида нишонланади.

Қуйидаги рақамларга эътибор беринг: Амир Темур мақбараси, Улуғбек мадрасаси ва Улуғбек расадхонасида шу йил август ойининг ўзидаёқ 2 миллион 200 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 1994 йил бошидан бери, яъни саккиз ой мобайнида ана шу уч объектда қарийб 6 миллион сўмлик юмуш адо этилди. Бу кўпми, озми? Ҳақиқат қиёсларда билинади, деган гап бор. Қизил империя ҳукм сурган кезлари Самарқанддаги жамики тарихий обидаларни таъмирлаш учун бор-йўғи 150-200 минг рубль атрофида маблағ ажратилган экан.

Шаҳри азим Самарқандда юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалий тадбирлар режаси пухта ишлаб чиқилган.

— Биз буюк аллома ва улкан давлат арбоби тўйини муносиб нишонлашни ният қилганмиз,— деди биз билан суҳбатда юбилей тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш ишларининг умумий раҳбари, Самарқанд шаҳри ҳокими Азиз Носиров.— Тантана кунлари Самарқандда Мирзо Улуғбек ҳаёти ва ижодий меросига бағишланган катта илмий конференциянинг якунловчи йиғилиши бўлади. Унда жаҳоннинг кўплаб мамлакатидан юзга яқин олим ва давлат арбоблари иштирок этади. Уларнинг, шубҳасиз, Темурийлар, хусусан Улуғбекнинг ҳаёти, тарихи, у қолдирган илмий меросга қизиқишлари катта.

Самарқандликлар Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги тўйи бутун Ўзбекистон аҳлининг энг ёрқин ва шукуҳли байрамига айланишини ният қилганлар. Шу боис шаҳарда бирор бир маҳалла, мактаб ёки олий ўқув юрти йўқки, мазкур тантанага тайёргарлик кўрмаган бўлсин.

Шаҳар ҳокимлиги қошида Улуғбек юбилейини ўтказиш бўйича махсус дирекция ташкил этилган. Унинг ташаббуси билан 7 сентябрь куни Регистон майдонида улуғ аждодимиз юбилейига бағишлаб "Улуғбек юлдузлари" номи остида байрамолди хайрия марафон концерти ўтказилди.

Етти иқлимнинг донишманди, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек тарихимиздаги ўчмас, боқий юлдуздир. Унинг 600 йиллик тўйи тантаналари ҳам маданий ҳаётимиздаги унутилмас воқеа бўлиб қолади. Зеро, бу кутлуғ анжуманга кўрилаётган тайёргарлик шундан далолат бериб турибди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

## Истиқлол: кеча, бугун, эртага

*Қўчқор Хоназаров*

# ЮРТИМ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

*Иккинчи мақола*

Давлатимизни, миллатимизни жаҳон илғорлари қаторига кўтармоқчи эканмиз, бунинг учинчи омили маданий-маънавий соҳадир. Миллий маданият ва маънавият миллат онгининг намоён бўлишида кўзга ташланади. Миллат ўз ҳаётини, ўтмишини, ҳозирги ҳолати ва истиқболини ўз тафаккури чиғириғидан ўтказиб, шу асосда маълум хулосалар ясайди, ўз вазифаларини аниқлайди, ўзининг жаҳон торозусидаги вазн ва мавқеини белгилайди, миллий ўзлиги, ғурури шаклланади. Бу омиллар эса биринчи навбатда халқ томонидан ўз тарихини, ўтмишини билиш асосида шаклланади. Демак, халқ, миллат ўз тарихини қанчалик тўла, батафсил билса, ўз аждодларининг қаҳрамонлиги, эл-юрт учун кураши, фан ва инсоният олдидаги хизматлари ҳақида аниқ маълумотлар ола билса, у шунчалик ўзлигини билади, англайди.

Миллат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий омилларнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири жараёнида шаклланади ва ривожланади. Бу уч омилни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шундай экан, учинчи, яъни маданий-маънавий омилнинг кучи, таъсири ва салоҳияти учун кураш миллат ҳаётининг жуда муҳим қисмидир.

Мустамлакачилар аслида бир мақсадни, яъни тезроқ халқни ўз маданиятидан узоқлаштиришни кўзладилар. Булар ҳаммаси маълум даражада ёритилган масалалар. Шу боисдан биз бу ерда масаланинг ҳозирча четда қолаётган қиррасига эътиборни жалб қилмоқчи эдик. У ҳам бўлса тарихимиз парчаларини бир бутунга айлантиришдир. Ўзбеклар кимлар, уларнинг тарихи қачондан бошланади?- деган саволга жавоб ҳозирги пайтда турли бўлиши шубҳасиздир. "Ўзбек" деган этнонимни учратиб, инглиз, француз ёки америкалик ўз қомусига кўз ташлайди-да, "ҳа, ўзбеклар XVI асрда Сирдарё ва Амударё оралиғига бостириб кирган кўчманчилар экан", дейди. Ҳозирги ўзбекларнинг кўпчилиги эса, "биз элат сифатида X-XII асрларда шаклланганмиз, миллат бўлиб эса XIX-XX асрда" дейди. Бу гап ҳам асосли, чунки тарихчиларимиз бизга шундай деб уқтирганлар. Аммо, тарихимизга бошқача қараб, уни милоддан анча аввал бошлайдиганлар ўз нуқтаи назарларини исботлай оладилар. Мен тарихчи эмасман. Лекин, ўзбекман ва ўз тарихимизни билишни истайман. Менинг фикримча, ҳозирги пайтда тарихчиларимизнинг асосий иши халқимизнинг тарихини аниқлаб, илдизимиз қачон, қаерда ва қандоқ бошланишини айтиб беришдир. Бу масалада ўтмишни ўқиб фикр юритайлик. Масалан, Хитойнинг олти минг йиллик тарихида у юртда подшолар, императорлар, турли шажаралар асрлар давомида ўзгарган, бировлар бостириб келган, бировлар ўз ҳукмдорлигини ўрнатган ва ҳоказо. Лекин, буларнинг ҳаммаси биргина Хитойга тегишли бўлиб, Хитой халқи аста-секин олти минг йилдан бери кўпайиб, ёйилиб, ўз ичида ўнлаб элат, қабила ва уруғларни, шу жумладан ирқий, диний, забоний жиҳатдан бутунлайин ёт элат ва қабилаларни ўзлаштириб юбориб, ҳозирги даврда дунёнинг энг йирик миллати сифатида мавжуддир.

Бизнингча, ўзбекларнинг тарихи милоддан анча илгари бошланади. У энг камида уч минг йилга тенг. Бу халқнинг таркиби, чегаралари, подшолари ва ҳукмдорлари шу уч минг йил ичида кўп марта ўзгарган, лекин ўзбек халқининг мантиқий "ипи", тарихий занжири милоддан илгариги минг йиллик қаърига кириб кетади. Яна шу нарса ҳам ёдимиздан кўтарилмасинки, ҳар бир халқ ўз тарихида ўз тили, дини, турмуш тарзи ва маданиятини ўзгартириши мумкин, чунки у давр вазиятига қараб бошқа тилга, бошқа маданиятга ёки бошқа динга кўчиши мумкин.

Ўзбекистоннинг ўтмиши ҳам буюк эканлигини кўрсата билишимиз лозим. Ўшандагина буюклик занжири пайдо бўлади. Ўзбек ўзининг тарихини ҳозирча биринчи навбатда Амир Темур ва унинг авлодлари ҳамда уларнинг елкадошлари билан боғлайди. Ҳолбуки, Темурнинг улуғлиги юзага чиқиб, буюклиги намоён бўлсин учун ўша жамиятда асрлар давомида яратилган моддий ва маънавий маданият мавжуд бўлиши керак эди. Ана шу тарзда тарих занжирининг халқлари ўтмиш томон тикланиб бориши мантиқан тўғри бўлади.

Ҳа, энг катта қайта кўриб чиқишга муҳтож соҳамиз, бу бизнинг тарихимиздир. Биз бу борада ишларканмиз, яна рус тарихчиларидан ҳам ўрнак олайлик. Узоқ даврлар русларнинг тарихини келгинди варяглар бошлаб берган, қадимий русларнинг ўзларини-ўзлари бошқаришга ақл-салоҳиятлари етмаган, деган хулоса тарих фанида устун эди. 30-40 йиллардан бошлаб қатор йирик рус тарихчилари А. В. Арциховский, Б. Д. Греков, Б. А. Рибаков, М.Н. Тихомиров раҳбарлигидаги тадқиқотчилар рус тарихини бутунлай бошқатдан ёритиб, руслар қадимий ва маданий халқ эканлигини кўрсата олдилар.

Халқимиз, миллатимиз ҳақида сўзлаганда беихтиёр кун тартибига иккинчи бўлиб қўйиладиган масала миллий тилимиз муаммоларидир. Лекин, бу масалага ўтишдан олдин юқоридаги мулоҳазаларга якун ясаб, яна бир фикрни қўшмоқчи эдим. Тарихимиз шу даражада катта даврни қамраб олар экан, нима учун ўз миллий номимизни биз уч минг йиллик тарихий маконимизга XVI асрда бостириб кириб келиб, забт этилган элга ўз номини берган ярим кўчманчи халқ номи билан боғлашимиз зарур?! Президентимиз Ислом Каримов, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юксак минбаридан давлатимиз, халқимиз ҳақида сўзлар экан, "ўзбеклар уч минг йиллик тарихга эга" деди.

Туркий халқлар ғарбий-жанубда Босфор бўғозидан шимолий-ғарбда Ўрта Волгагача, шимолий-шарқда Ёқутистонгача, шарқий-жанубий Осиёда Такла-макангача улкан ҳудудда тарқалиб яшайдилар ва уларнинг ўртасида жуғрофий марказда энг қадимий ва бетакрор моддий ҳамда маънавий маданиятнинг эгаси бўлмиш ўзбеклар истиқомат қиладилар. Ўзбекларнинг жуғрофий жойлашишлари туркий халқларга тегишли қабилавий асосларни ва таркибий қисмларни ўзларида бирлаштиришлари, туркий дунёнинг энг олий хислатларини намоён қилувчи юксак маданиятни яратишдаги роли ва бошқа кўрсаткичлар билан мамлакатимиз шундай қутлуғ ном ила аталишга лойиқ ва муносибдир. Яна қайтараман: мен тарихчи эмасман. Аммо мен бу масалага умуминсоний ва умуммиллий нуқтаи назардан қарайман. Одатда бунақа нозик ва мусоҳабали масалаларда тарихчиларнинг ўзлари бир қарорга келишлари қийин бўлади ҳамда ташқи холисона туртки ва кўмак жуда ўринли бўлади.

Масаланинг энг қимматли томони шундан иборат бўладики, бутун тарихимиз, уч минг йилдан ортиқ ўтмишимиз бир бутунга айланади, чунки илк туркий қабилалар Амударё ва Сирдарё оралиғида милоддан аввалги XIII асрдан пайдо бўла бошлаганлар. Бизнинг тарихимизни, яъни ўзбек халқининг ўтмишини бир бутунга айлантириш лозимлиги жамиятшунос олимларимизнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасидаги муқаддас бурчидир.

